


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

ТИЛЛАР КАФЕДРАСИ



**БУЮК ШОИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ
580 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
“АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ БАШАРИЯТ
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ”
*мавзусидаги халқаро давра суҳбати материаллари тўплами***



Тошкент – 2021

“Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусида ўтказилган халқаро давра суҳбати материаллари. – Тошкент, 2021.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрь куни буюк шоир “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш” тўғрисидаги қарорини амалга ошириш, ҳамда шоирнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш, Қуролли Кучлар Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан таълим-тарбия жараёнларини юқори савияда режалаштириш, ташкиллаштириш ва ўтказиш, ундаги долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўлларини муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашишга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш мақсадида ташкиллаштирилди.

(Баённома № 6, 9.02. 2021).

Масъул муҳаррир:

Тиллар кафедраси мудири

Профессор С.Я. Абдуллаева

Таҳрир хайъати:

Доцент Н.З.Юсупова

Доцент Ш.И.Ертаев



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси.2021



“Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башарият оламини хайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, вафо, гўзал хулқ, сахийлик, инсонпарварлик, саховат, меҳр - мурувват зиёсини таратиб келмоқда. Мир Алишер Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатида ўзбек миллий давлатчилиги, маънавият ва маърифат, тилшунослик фанлари равнақиға қўшган ҳиссаси беқиёсдир”

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони
Шавкат Миромонович Мирзиёев**

ижрочилари сифатида билан ном қозонган. Душманга етказган талофатлари билан машхур бўлган. Энди **йо** ҳарфининг “юз кўрсатадиган яғмолари”га келсак, Навоий аймақчики, гўзалнинг **қоши йо**лари ошиқ учун гўёки яғмо. Бу қошлар лирик қаҳрамон учун ишқ яғмолари бўлиб юз кўрсатмоқдалар. Бу каби ташбеҳлар, ажойиб тимсоллар Алишер Навоий насрий сўз санъатидаги бадииятнинг юксак намуналаридир.

БИР БАЙТ ШАРҲИ

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети,
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси мудири, фил.ф.д. Рашид Зоҳид*

Мажоз адабий матннинг етакчи унсурларидан бири, балки бадиий тафаккурнинг асл кўринишидир. Инсон ақли табиатан аввали ва охири йўқ борликни, абадиётни қамрашга қодир эмас. Шундай экан, лоақал, сезги ва ҳиссиёт билан тасаввурни жонлантирадиган восита мажоз эканига шубҳа йўқ. Арабча “мажоз” сўзининг луғавий маъноси “ўтиш”, “кўчиш” бўлиб, истилоҳда аслий маъносидан бошқа маънода қўлланган лафз мажоз дейилади. Бунда аслий маъно билан кўчма маъно ўртасида алоқа ва кўчма маънода ишлатилаётган сўзнинг аслий маъноси тушунилиб қолишидан тўсадиган сабаб бўлиши лозим. Таъриф янада тушунарли бўлиши учун қоида ва уни тақозо қилувчи шартларни Навоийнинг “Ғаройибус сиғар” девонидаги 201-ғазалнинг матлаъ байти мисолида кўриб чиқамиз:

*Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
Чун етар мен хастага навбат, қилур юз навъ ноз.*

Байт “тиргизур”, яъни тирилтирур, деган феъл билан бошланяпти. Тирилтириш ҳам, ўлдириш ҳам ёлғиз Яратувчи Зотга хос феъл. Лекин бу феълнинг эгаси Қуръон ва ҳадисларда келган Оллоҳнинг исм ва сифатлари билан эмас, балки “кўнгилни овловчи, ёқимли, суюкли” маъносидаги “дилнавоз” сўзи билан ифодаланяпти. Ҳадисларда Оллоҳ таолонинг 99 та гўзал исмлари зикр қилинган. Умуман олганда, бу исмларнинг барчасида Яратувчи Зотнинг Ўз бандаларига нисбатан меҳрибонлик маъноси мужассам. Айниқса, Ар-Раҳмон, Ар-Раҳим, Ал-Ғафур, Ар-Рауф, Ал-Афув исмларида Ҳақ таолонинг бандаларига нисбатан чексиз раҳм-шафқати акс этса, хоссатан, Ал-Вадуд исми орқали солиҳ бандаларини яхши кўрувчи ва бандалари томонидан севиловчи маъноси тушунилади. Демак, Ал-Вадуд исми англатган маъно билан “дилнавоз” сўзининг маъносида ўзаро алоқадорлик бор.

Энди “дилнавоз” сўзининг аслий маъносига келсак, бу маъно Яратувчига эмас, яратилмишларга, яъни инсонларга нисбатан ишлатилади. Аммо байтда келган “дилнавоз” сўзини ўзининг аслий маъносида тушунишимизга матндаги “тиргизур” феъли монъелик қиляпти. Модомики, инсон тирилтиришга қодир эмас экан, демак “тиргизур” феълнинг эгаси

вазифасида келган “дилнавоз” лафзи матнда Оллоҳнинг Ал-Вадуд сифати ўрнида мажозан ишлатилаётган бўлади. Балоғат илмида бу аклий мажоз (المجاز العقليّة) дейилади. Қачонки, гап таркибида келган феъл – иш-ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси четда қолиб, мазкур иш-ҳаракатнинг нисбати бошқа бажарувчига берилса, аклий мажоз юзага чиқади. Агар мисра мазмунини: “Ал-Вадуд сифатига эга Зот тирилтирур” десак, бу ҳақиқий мажоз (المجاز الحقيقي) бўлади. Яъни, бу ифодада тирилтириш феъли ҳақиқатда шу феълни бажарувчи Зотга боғланди.

Хўш, “Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз” мисрасидаги эга ва кесим аниқ бўлди, энди иккинчи даражали гап бўлақларини ҳақиқий мажозга мувофиқ таъвил этишга уриниб кўрайлик. Хасталик жисмоний соғломлик йўқлигининг белгиси, балки натижаси, гуноҳкорлик эса маънавий соғломлик йўқлигининг оқибатидир. Ҳар икки ҳолатни бирлаштирувчи нукта – ҳалокатга олиб борувчи ожизлик, заифлик. Демак матнда айтилган “хаста”ни гуноҳкор банда десак бўлади. Гуноҳ инсонни ҳалокатга яқинлаштиради, гуноҳдан тавба қилиш эса уни Оллоҳнинг раҳматига сазовор этади. Аслида тавба ҳам Ҳақ таолонинг инъоми, бандасига марҳаматидир. Оллоҳнинг марҳамати чек-чегарасиз бўлиши билан бирга унда шундай бир нафислик борки, ҳар қандай дағал, гуноҳдан қотиб кетган тошмехр қалбга ҳам йўл топади. Сўниб бораётган кўзларга мехр ва эркалигини ёғдириб чакнатади, тирилтиради. Демак мисра давомида келган форсча “ноз” сўзининг ўзбек тилига ўзлашган “инжиқлик, эркалик” маъноларидан ташқари “хузур-ҳаловат, нозик, нафис, мулойим” маънолари ҳам борлигини ҳисобга олсак, матнда келган “ноз” сўзини мажозан Оллоҳнинг раҳмати деб тушунсак бўлади. Энди мисра маъноси тахминан шундай кўриниш олди: “Бандаларини яхши кўрувчи ва бандалари томонидан севиловчи Ал-Вадуд сифатига эга Зот гуноҳлар дардидан деярли ўлиб бўлган хаста бандасини раҳмат назари билан бир эркалаган эди, у шу заҳоти дарддан фориг бўлиб, оёққа қалқди, Оллоҳ уни тирилтирди”.

Аммо мисрадаги “тиргизур” сўзини муболаға санъатига дахлдор, десак, аҳвол бутунлай ўзгаради. У ҳолда “жонлантирар, шифо берар” маъносида муболаға билан ишлатилаётган бу феълнинг фоили (бажарувчиси) Холикдан махлуққа, яъни Яратувчидан яратилмишларга кўчиб, бундан ё пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ё пир (устоз) ёки маъшуқа ирода қилинган бўлади. Дилни ўзига ром қилувчи “дилнавоз” сўзидан мурод пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ё пир (устоз) ёки маъшуқа бўлган тақдирда ҳам байт маъноси бузилмайди, аксинча чуқурлашиб, гўзаллашади. Чунки муболаға – бадиъ илми¹нинг маънони чиройли қилиш (المحسنات المعنوية) қисмига кирувчи бадий санъатлардан биридир. Муболаға санъатининг ақлга ва одатга тўғри келадигани – таблиғ, ақлга тўғри келиши мумкин, аммо одатга тўғри келмайдигани – иғроқ, на ақлга, на одатга тўғри келадигани – ғулув дейилади. Демак бу ўринда муболаға санъатининг энг кучли тури ишлатилган. Яъни, бир инсоннинг бошқа инсонни тирилтириши на ақлга, на одатга тўғри

¹ Ҳол тақозосига мувофиқ бўлган гапни чиройли қилиш йўллари ўрганиладиган фан.

келади. Лекин бутун инсониятга нажот элчиси қилиб жўнатилган Оллоҳнинг охирги пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг эътиқоди ва хулқи атворида шундай гўзал намуналар² борки, улардан озгина бохабар инсон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни суймаслиги, бу сийратдан дардига дармон топмаслиги мумкин эмас. Тасаввур қилинг, Пайғамбар алайҳиссалом қилган бир амални холис бажардингиз, у зот бу ишингизни маъқуллаган кўйи гўё сизга бир назар солгандек бўлди. Бу назар ҳар қандай оғир хастани оёққа қалқтирмайдими, бу хаёлдан мисоли ўликка жон киргандек бўлмайдами?!

Пир – устознинг ёки кўнгил берган кишингизнинг сизга назари ҳам албатта дардингизга дармон бўлади, кайфиятингизни кўтаради. Навоий бир китъасида: “Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким / Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз” – деган. Яъни: “Эй зухду тоат билан номи халқ ичида машҳур бўлган зоҳид! Билгилки, бу воситалар ошиқ учун Ҳаққа етиш йўлидаги кўприқдир, сен зоҳирга қараб ҳукм қилма, у ҳақиқатдан қилча ҳам четга чиққани йўқ, балки айни мақсад йўлидадир”.

Ҳазрат Навоийнинг Ислом эътиқодидаги бир мусулмон эканини таъкидлаган ҳолда мазкур байтнинг иккинчи мисрасини тавфиқ тушунчаси билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз. “Тавфиқ – Оллоҳ таолонинг Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган нарсасига бандасининг феъли, амалини мувофиқ қилишидир”.³ Ҳазал воқелигида кечаётган “муолажа навбати мен хастага етдию, табибнинг эътиборидан четда қоляпман” деган мазмундаги зорланиш, аслида, иқрордир. Яъни, у ўзининг амали билан Яратувчининг муҳаббати, розилиги ўртасидаги мувофиқлик тўла етилмаганини тан оляпти. Ҳатто бандалигини намоён этиб шошиляпти, лекин тўхтамаяпти, тинимсиз ўзини Яратувчисидан етадиган тавфиққа шайляпти. Буни ушбу ҳадис ҳам тасдиқлайди: “Албатта банда Оллоҳга (зорланиб) дуо қилади, улуғ ва қудратли Зот унинг бу амалини яхши кўради ва дейди: “Эй Жаброил, бандамнинг бу ҳожатини раво қил, (лекин) уни (бироз) кечиктир. Чунки Мен унинг овозини давомли эшитишни хуш кўраман”.⁴ Оллоҳ таоло бандасини турли ҳолатлар билан синайди. Банда эса синовлардан омон чиқиши учун Парвардигорига ёлворади, муножотлар қилади. Демак биз мусибат деб санаётган нарса, аслида, Оллоҳ таоло билан боғланиш учун бир имконият, муаммоларимизнинг ягона ечимидир. Шунинг учун тобеъинлардан Суфён ибн Уйайна айтган экан: “Банданинг ёмон кўрган нарсаси яхши кўрган нарсасидан хайрлироқдир. Чунки ёмон кўрган нарса уни дуо қилишга ундайди, яхши кўрган нарсаси эса уни дуодан чалғитади”.

² Қаранг: Аҳзоб сураси, 21-оят.

³ Алий ибн Муҳаммад Шариф Журжоний. “Китабут таърифот”, Байрут, “Дарун нафоис”, 2018, -Б.133

⁴ Табароний “Ал-мўъжамул авсат” асарида Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган бу ҳадисни келтирган.

Мундарижа

1. Солиев С. Навоийни билмаса ўзбек.	4
2. Қуронбеков А. Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш муаммолари	5
3. Исҳоқов М. Алишер Навоий “Ҳазоин ул-маоний” девонларида сарлавҳалар бадиияти ҳақида.....	9
4. Рашид Зоҳид. Бир байт шарҳи.....	11
5. Hüseyn Kaba. Türk dünyasının bilgisi ali şir nevâî ve etkisi.....	14
6. Ғаниев А. Алишер Навоий миллий маънавиятимиз даҳоси	16
7. Алимбеков А. Алишер Навоий ҳақида турк достони.....	20
8. Liu Min. The comparison of uzbekistan Alisher Navoi and china's confucius.....	24
9. Абдуллаева С., Хожиева Ш. Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги ахлоқий ғоялари.....	28
10. Маматқобилов Т., Алимов Ш. Алишер Навоийнинг ижтимоий – сиёсий карашлари.....	31
11. Dehqonov A. Shahzoda shohg‘aribga nasihatlar.....	33
12. Холиқова Д. “Садди Искандарий” достонида ҳарбий ватанпарварлик мотивлари.....	38
13. Атаев Ш. Навоий ижодида “Хамса”нинг тўтган ўрни.....	42
14. Джураев Ш. Алишер Навои - Основоположник узбекского литературного языка, великий гуманист и создатель.....	43
15. Икрамов Ш. Алишер Навои в европейской литературе.....	45
16. Юсупова Н. Навоий ижодида аёл сиймоси.....	50
17. Ертаев Ш. Алишер Навоий устозларга ўрнак устоз.....	54
18. Имамова Ш. Alisher Navoiy hayoti hammamiz uchun ibratdir.....	56
19. Пернопасова Е. Мир Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир.....	58
20. Nuriddinova D. The lexis of Alisher Navoi’s historical works.....	60
21. Bakirova A. Alisher Navoi and his epoch in the context of Uzbekistan art culture development.....	63
22. Ражабова О. Алишер Навоий - ўзбек тилининг асосчиси.....	64
23. Garparova N. Sharq adabiyotida xamsachilik an’analari.....	65
24. Абдуллаева Г. Роль Алишера Навои в мировой культуре.....	69
25. Абдураимова Ш. Алишер Навои – великий поэт и мыслитель Узбекского народа.....	71
26. Тўраева Н. Сўз мулкининг султони.....	73
27. Ахунова М. Алишер Навоий-сўз мулкининг султони.....	77
28. Алибаева У. Алишер Навоий ғазалларида мақол ва иборалар таҳлили.....	79
29. Abduvaliyeva M. Alisher Navoiy ijodining tarbiyaviy ahamiyati	82